

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САФАРОВА ТУМАРИС РУСТАМКУЛОВНА

**ЭТНОМАДАНИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ОМИЛЛАРИ**

**09.00.02 - Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(маданиятшунослик ва маданият фалсафаси)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Сафарова Тумарис Рустамкуловна

Этномаданий туризмни ривожлантиришнинг
ижтимоий-маданий омиллари.....5

Сафарова Тумарис Рустамкуловна

Социо-культурные факторы развития этно-культурного туризма..... 23

Safarova Tumaris Rustamkulovna

Socio-cultural factors of the development of ethno-cultural tourism..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САФАРОВА ТУМАРИС РУСТАМКУЛОВНА

**ЭТНОМАДАНИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ОМИЛЛАРИ**

**09.00.02 - Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(маданиятшунослик ва маданият фалсафаси)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Fal1298 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Нурматова Мукаррам Ахмедовна**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абилов Урол Муродович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Корабоев Усмон Хосилович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Самарканд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «02» август соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (69 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил «24» июль куни тарқатилди.
(2022 йил _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Саифназаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Г.М.Рузматова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., профессор

Ж.С.Раматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда туризм мамлакатларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, миллий ўз-ўзини англаш, маданиятлараро мулоқот, экологик барқарорликка эришиш воситаси сифатида ривожланмоқда. Туризм глобал ижтимоий-иқтисодий соҳаларда маргиналлик ва беқарорликни камайтирувчи, ҳудудий ва маҳаллий тараққиётга ижобий таъсир этувчи муҳим омил сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда. Этномаданий туризмда ўтмиш ва ҳозирги замон маданияти, миллий менталитет намоён бўлмоқда, шу боис, туризм сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳаёт фаровонлигини таъминлаш механизми сифатида муҳим ўрин эгалламоқда.

Дунёда туризм соҳасининг бизнес ва таълим йўналишлари фаол илмий тадқиқ этилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги «Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO)», «Туризм соҳасидаги илмий экспертлар халқаро ассоциацияси (AIEST)», «Туризм муаммоларини ўрганиш бўйича халқаро марказ», Франциядаги «Экс-ан-Прованс университетининг туризм тадқиқотлари маркази» каби етакчи илмий тадқиқот марказлари ва институтларида халқаро ҳамда ички туризмни ривожлантириш, шунингдек, соҳадаги миллий тизимларни такомиллаштиришга доир бўлган илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда туризмнинг маданий тараққиёт, миллатлар ва давлатлараро мулоқот воситаси сифатида аҳамияти ортиб бормоқда. «Биз дунё аҳли мамлакатимизни яқиндан танишини, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятини ўз кўзи билан кўришини истаймиз. Бу борада туризм имкониятлари муҳим роль ўйнайди. Шу боис, юртимизда туризмни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқдамиз ва бу ўзининг натижаларини бермоқда»¹. Зеро давлатимизда, туризмни ривожлантириш учун жаҳон сайёҳлик ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш, миллий бренд яратиш, рўйхатга олинган тарихий маданий обидаларни таъмирлашда уларнинг асл бадиий ҳолатини сақлаб қолиш, туристик йўналишлар харитасини тузиш, вокзал, аэропортларда сайёҳларга хизмат кўрсатиш фаолиятини такомиллаштириш, мамлакат ҳудудида туризмнинг барча шакллари ривожлантириш учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 январдаги ПФ-52-сон «Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида», 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон «2018-2019 йилларда туризм соҳасини

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 40 б.

ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсоният тарихининг барча даврларида саёҳат маданиятлараро мулоқот, халқларнинг бир-бирига ҳурмати, урф-одатларининг ўзаро таъсири омили сифатида ривожланган. Хусусан, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон»¹, Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома»² асарларида халқларнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, урф-одатлари, дунёқарашлари, сайёҳлик тарихи ҳақидаги таассуротлари баён этилган.

Ғарбда генуялик Христофор Колумб Америка ҳақида³, Фердинанд Магеллан денгиз орқали саёҳат қилиб, ернинг айлана шаклда эканлиги ҳақида саёҳатномалар ёзганлар ва «Барча мусулмон мамлакатларини кезиб чиққан сўнгги энг буюк сайёҳ» деб эътироф этилган Ибн Баттутанинг «Саёҳатномаси ҳам бу борадаги муҳим манбалардан биридир»⁴. Айнан саёҳатлар замонавий туризмнинг амалий ва назарий асоси сифатида ривожланган.

XX асрда хориж олимлари К.Райан рекреацион туризмнинг аҳамияти⁵, Д.Маккенел саёҳат учун диққатга сазовор жойларни таҳлил қилиш⁶, Дж.Урри дам олиш социологияси⁷ ни очиб берганлар.

XX аср охири ва XXI аср бошида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида этномаданий туризмни халқаро даражада ташкил этиш, унинг мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш омили сифатидаги аҳамиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратганлар. Хусусан, В.А.Квартальнов халқаро туризм сервисини⁸, А.Э.Саак профессионал туризм

¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. II жилд. Ҳиндистон (арабчадан А.Расулев ва бошқалар таржимаси). – Тошкент: Фан, 1965. – 538 б.

² Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – 288 б.

³ Путешествия Христофора Колумба. Дневники. Письма. Документы. Изд. 3-е. М.: Гос. изд-во географ, лит-ры, 1956. – 526 с.

⁴ Ибн Баттута. Саёҳатнома. Тухфат ан-нуззор фий ғароиб ал-амсор ва ажойиб ал-асфор. – Тошкент: Шарк, 2012. – 688 б.

⁵ Chris Ryan. Recreational Tourism: Demand and Impacts// Channel View Publications, 2003. – 358 p.

⁶ Dean MacCanell. The Tourist: A New Theory of Leisure Class. – New York: Schocken Books, 1989. – 236 p.

⁷ John Urry. Взгляд туриста и глобализация (публикации на русском языке) // Массовая культура: Современные западные исследования. – М.: Прагматика культуры, 2005. – С. 136–150.

⁸ Квартального В.А. Менежмент туризма. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 160 с.

таълими¹, И.В.Зорин туризм менежменти², А.В.Барлукова этнотуризмни ривожлантиришда унинг ҳудудий жиҳатларининг аҳамияти³, А.Г.Бутузов этномаданий туризмни географик ҳудудлари⁴, О.В.Солопов маданий туризмни ривожлантиришнинг барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги роли⁵ ни ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда туризмнинг иқтисодий барқарорликни таъминлаш, сиёсий алоқаларни ривожлантиришда С.С.Рўзиев Ўзбекистонда маданий туризм бозорининг истиқболлари⁶, М.Т.Алиева туризм хизматлари соҳасини бошқаришни таъминлаш⁷, Е.В.Голишева молиявий-иқтисодий инқироз даврида туризмни ривожлантириш⁸, Ф.К.Камилова халқаро туризмнинг аҳамияти⁹, А.Ф.Саидов туризмни бошқариш¹⁰, З.И.Усманова туризмнинг истиқболларини ўрганиш¹¹ бўйича илмий тадқиқот ишларини ҳимоя қилганлар. Этномаданиятнинг миллат равнақидаги ўрни, миллий урф-одат ва анъана ва қадриятлар билан боғлиқ назарий-амалий масалаларини фалсафий тадқиқ этишда И.Жабборов ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник тарихи жараёнлари¹², У.Қорабоев анъанавий халқ маданияти ривожланиш тенденциялари¹³, О.Нишонова ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти жараёнлари¹⁴, У.Абилов ижтимоий тараққиёт жараёнида халқ оптимистик руҳининг роли¹⁵, У.Утанова ўзбек халқи маданиятининг равнақи¹⁶,

¹ Саак А.Э., Пшеничных Ю.А. Менежмент в социально-культурном сервисе и туризме. – СПб.: Питер, 2006. – 512 с.

² Зорин И.В. Теоретические основы формирования содержания профессионального туристского образования: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. – М., 2001. – С.56.

³ Барлукова А.В. Территориальные особенности управления развитием этнического туризма (на примере Республики Бурятия): Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Сочи, 2012. – С.44.

⁴ Бутузов А.Г. Этнокультурный туризм. – М.: КНОРУС, 2017. – 248 с.

⁵ Солопов О.В. Философское значение культурного туризма // Гуманитарные ведомости ТГПУ им. Л.Н.Толстого, 2015. – № 2. (14) – С.79-86.

⁶ Рўзиев С.С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари: Иқт. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2009. – 46 б.

⁷ Алиева М.Т. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Иқт. фан. док. (Dsc)... дис. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2019. – 42 б.

⁸ Голишева Е.В. Развитие сферы туризма Республики Узбекистан в период финансово-экономического кризиса // Актуальные проблемы туризма, 2010. – №2. – С. 5-9.

⁹ Камилова Ф.К. Халқаро туризм бозори. – Тошкент: ТДИУ, 2007. – 192 б.

¹⁰ Саидов А.Ф. Организационно-экономические механизмы управления туризмом Республики Узбекистан: Автореф. дисс. ... докт. экон. наук. – Тошкент, 1994. – 36 с.

¹¹ Усманова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития: Дис. ... канд. экон. наук. – Самарканд: СамИСИ, 2009. – 157 с.

¹² Жабборов И. Ўзбекларнинг этник тарихи. // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2009. – № 12. – Б.161.

¹³ Қорабоев У.Х. Традиционная народная культура: тенденции возрождения и развития: Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Ташкент, 1993. – С.50.

¹⁴ Нишанова О.Ж. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти ва функциялари: фалс. фан. ... док. дис. – Тошкент: ЎЗМУ, 2016. – 216 б.

¹⁵ Абилов У.М. Оптимистическая сущность современного этапа исторического прогресса: Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Ташкент, 1994. – С.52.

¹⁶ Ўтанова У.А. Мустақил Ўзбекистонда халқ маданиятининг равнақи (фалсафий-маданий ёндашув): фалс. фан. ном. ... дис. – Тошкент: ЎЗМУ, 2008. – 153 б.

Ф.Атамуротова ўзбек миллий менталитетида этномаданий жараёнлар¹, А. Музаффаров туризм маданияти² мавзулари бўйича илмий изланишлар олиб борганлар.

Тадқиқот жараёнида туризмга оид илмий адабиётларнинг таҳлилида хориж олимлари асосий эътиборни этномаданий туризмнинг географияси, ҳуқуқий жиҳатларини, Ўзбекистон олимлари томонидан эса, туризмнинг иқтисодий, тарихий, ижтимоий-фалсафий омилларининг айрим жиҳатлари очиқ берилганлиги боис, мазкур диссертацияда этномаданий туризмнинг ижтимоий-маданий омилларини таҳлил этишга қаратилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Марказий Осиё халқлари маънавий, маданий, диний кадриятлари ва ҳозирги замон» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади этномаданий туризмнинг генезиси, ижтимоий функциялари, иқтисодий тараққиётдаги ўрни ва ривожланиш хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

туризмнинг моҳияти, ривожланиш босқичлари, иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини очиқ бериш;

этномаданий туризмнинг маданиятлараро диалог, миллий ўзликни англаш, этномаданий кадриятларни ривожлантириш воситаси эканлигини таҳлил қилиш;

этномаданий туризм соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ўрганиш, уни таълим тизимида ривожлантириш ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

этномаданий туризмнинг ўзбек халқи миллий, ментал хусусиятларини намоён этиш воситаси сифатидаги аҳамиятини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида туризмнинг ривожланиш босқичларининг маданий ҳаётга таъсир даражаси олинган.

Тадқиқотнинг предметини этномаданий туризмни такомиллаштиришнинг ижтимоий-маданий омиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихийлик, тизимлилик тамойиллари, анализ, умумлаштириш, умумийликдан хусусийликка ўтиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жамият ижтимоий-маданий ривожининг интровертив ва экстровеертив моҳияти ва халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни юксалтиришда этномаданий туризмнинг инсон онги ва тафаккурига таъсири, турмуш

¹ Атамуротова Ф.С. Мустақиллик шароитида ўзбек миллий менталитетида этномаданий жараёнлар (ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фалс. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2010. – 34 б.

² Музаффаров А.М. Туризм маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш омили сифатида: фалс. фан. бўй. фалс. док. (PhD) ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2020. – 40 б.

тарзидаги ўзгаришлар сабабли илмий-техникавий цивилизация билан боғлиқлиги очиб берилган;

этномаданий туризмни ривожлантиришда зиёрат ва этнотуризмнинг амалий жиҳатдан маданий компетентликка эришишдаги янги тизимни яратишдаги роли, табиатни асраш ва сақлашда экологик ва агро туризмни инвайроментал ва коэволюцион жиҳатдан такомиллаштиришнинг туристик ресурслардан интеллектуал жиҳатдан мақсадли фойдаланишдаги маданий интеграцияга асосланган ҳаётий тажрибалар орттиришнинг ментал хусусиятлари асосланган;

этномаданий туризмни ривожлантирувчи кадрият, меросни акс эттирувчи аксиологик ва инсон эҳтиёжи каби антропологик омилларнинг жамият тараққиётининг инъикоси бўлганлиги сабабли маданиятлараро диалог, халқларнинг ўзаро ҳурматни ва барқарор ижтимоий муносабатларни ташкил этиш усули эканлиги фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг амалий этнология ва замонавий этноинтеграция билан уйғунлигини таъминлашда тизимлиликка эришиш сабабли антикваризм ва презентизм тамойилларига риоя қилиш, дунё халқлари учун миллий демографик хилма-хилликни акс эттирган янги маданий маконни яратишнинг ижтимоий зарурияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

этномаданий туризмнинг миллий ўз-ўзини англаш, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий барқарорлиги, миллатлараро ўзаро ҳамкорликни таъминлашдаги аҳамияти очиб берилган;

Ўзбекистонда ички ва ташқи туризм сервисини таъминлаш, этномаданий туризмни ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатишнинг янги технологияларини яратиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туризм инсонларнинг дунёни билиш эҳтиёжи, тарихни билиш, замонавий туризмнинг давомийлигини таъминлаш, мамлакатнинг халқаро нуфузини ошириш, ҳудудий яхлитлик, ижтимоий маданий ўсиш, халқлар маданиятининг бир-бири билан тақозоланганлигини ўрганишга оид илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, унда илгари сурилган илмий таклифлардан Ўзбекистонда этномаданий туризмни ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини, янги лойиҳаларни тайёрлаш, ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга йўналтирилган фестиваллар ўтказиш ва бошқа амалий фаолиятда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Этномаданий туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-маданий омиллари мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

жамият ижтимоий-маданий ривожининг интровертив ва экстрове́ртив моҳияти ва халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни юксалтиришда этномаданий туризмнинг инсон онги ва тафаккурига таъсири, турмуш тарзидаги ўзгаришлар сабабли илмий-техникавий цивилизация билан боғлиқлигига оид ғоялардан Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш кўмитасининг ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга йўналтирилган йўл харитасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш кўмитасининг 2021 йил 6 апрелдаги 02-16/2473-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш кўмитасининг миллий туризмни комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини мувофиқлаштириш, минтақаларда туризмнинг янги йўналишларини ташкил этиш, туризм хизматлари бўйича режаларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

этномаданий туризмни ривожлантиришда зиёрат ва этнотуризмнинг амалий жиҳатдан маданий компетентликка эришишдаги янги тизимни яратишдаги роли, табиатни асраш ва сақлашда экологик ва агро туризмни инвайроментал ва коэволюцион жиҳатдан такомиллаштиришнинг туристик ресурслардан интеллектуал жиҳатдан мақсадли фойдаланишдаги маданий интеграцияга асосланган ҳаётий тажрибалар орттиришнинг ментал хусусиятларига доир илмий янгиликлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» ва «O'zbekiston tarixi» телеканаллари фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 21 майдаги 01-35-834-сон маълумотномаси). Натижада диссертация материаллари «O'zbekiston» телеканалининг «Муносабат» кўрсатуви ва «O'zbekiston tarixi» телеканалининг «Мавзу», «Этно» ва «Тақдимот» кўрсатувларининг сценарийларини ёзиш ва кўрсатувларнинг илмий аҳамиятини оширишга хизмат қилган;

этномаданий туризмни ривожлантирувчи кадрият, меросни акс эттирувчи аксиологик ва инсон эҳтиёжи каби антропологик омилларнинг жамият тараққиётининг инъикоси бўлганлиги сабабли маданиятлараро диалог, халқларнинг ўзаро ҳурматни ва барқарор ижтимоий муносабатларни ташкил этиш усули эканлигининг фалсафий жиҳатларига оид хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг ички туризмни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4307-сон Қарори билан тасдиқланган дастурининг «Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот тадбирлари» номли V бобнинг 21-банди «Бой маънавий меросимиз, меъморий ва тарихий ёдгорликларни кенг тарғиб қилиш, хорижий меҳмонларда мамлакатимизнинг тарихи, миллий урф-одатлари ҳақида тўғри маълумот бериш ва ижобий

имиджини шакллантириш мақсадида Ўзбекистоннинг туристик шаҳарларида фаолият олиб борадиган гидлар учун услубий қўлланма тайёрлаш» ҳамда мазкур дастурнинг «Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга доир тадбирлар» номли VIII бобининг 34-банди «Ўзбекистоннинг бой маънавий мероси, меъморий ва тарихий ёдгорликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида ЮНЕСКО жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган мамлакатимиздаги объектлар ҳақидаги маълумотларни 3D форматида намойиш этадиган электрон фото жамланма (виртуал саёҳат) яратиш ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб қилиш» мавзуларда ўтказилган тарғибот ишларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 7 апрелдаги 02/07-344-сон маълумотномаси). Натижада моддий мерос объектлари жойлашган ҳудудлар бўйича каталоглар, гидларга туризм тарихига оид маълумотлар йиғилган услубий кўрсатмалар тайёрлашга хизмат қилган;

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг амалий этнология ва замонавий этноинтеграция билан уйғунлигини таъминлашда тизимлиликка эришиш сабабли антикваризм ва презентизм тамойилларига риоя қилиш, дунё халқлари учун миллий демографик хилма-хилликни акс эттирган янги маданий маконни яратишнинг ижтимоий заруриятига оид илмий хулосалардан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси Марказий кенгашининг туристик инфратузилмасини такомиллаштириш, туристик хизматлар кўрсатилиши соҳасига илғор жаҳон стандартларини жорий этиш бўйича шакллантиришга оид лойиҳаларида фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси Марказий кенгашининг 2021 йил 24 мартдаги 01-27/266-сон маълумотномаси). Натижада партиянинг туризмни ривожлантиришдаги ташқи ва ички сервис хизмат кўрсатиш шоҳобчаларига замонавий технологияларни жорий қилиш ва тадбиркорларнинг туризм сервисини ривожлантиришга оид тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (4 та маҳаллий ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган. Илмий ишнинг мамлакатимиз фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган. Изланишлар жараёнида олинган натижаларнинг илмий ва назарий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг хажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Этномаданий туризмнинг ретроспектив ва илмий фалсафий таҳлили**» номли биринчи бобида этномаданий туризмнинг генезиси, унинг ижтимоий воқелик сифатида шаклланиши шунингдек, ижтимоий функциялари ва имманент хусусиятлари тадқиқ этилган.

Ҳозирги даврда туризм, бир томондан этник ва миллий хилма-хилликни, иккинчи томондан, миллий идентикликни намоён этувчи муҳим омил сифатида ривожланмоқда. Дунё аҳолисининг интеллектуал салоҳияти уларнинг қайси ҳудудда яшашидан қатъий назар миллий руҳни англаши, ўзи яшаётган мамлакат равнақига муносиб ҳисса қўшиш билан бир қаторда, Ватан туйғусига эга бўлишида намоён бўлади. Бу мамлакат фуқароларидан ўз юрти маданий меросини билиш ва айни пайтда хориж мамлакатларига ташриф буюриш орқали ўзга мамлакатлар маданиятини ўрганиш, уларнинг муҳим элементларини ўз юртига олиб келиб, миллат равнақига муносиб ҳисса қўшишни талаб қилади. Шу маънода, туризм нафақат бошқа халқларнинг ҳаётини билиш, балки ўз тарихи, маданияти ва ўзлигини англаш воситаси сифатида хизмат қилади.

Диссертацияда «Туризм» ва «Этномаданий туризм» тушунчасининг таърифлари ва шакллари таснифланган, унинг дам олиш, маданиятлараро мулоқот омили сифатидаги аҳамияти очиб берилган. Таърифларга кўра, «туризм - бу яхши дам олиш омили», «одамларнинг бўш вақтларида ўзининг яшаш жойидан бошқа давлатга ёки ҳудудга вақтинча бориб, у ердаги маҳаллий анъана, турмуш-тарзини билиш усулидир». Этномаданий туризм инсоннинг дунёни билиш, маданиятларни қиёслаш, ўзи яшаётган мамлакат тарихи ва табиатини ўрганиш, турли этномаданий ҳодисалар билан танишиш омилидир. Шу маънода, ҳозирги даврда анъанавий туризм билан бир қаторда спорт ва ишбилармонлик туризми, экстремал туризм каби шакллари ҳам ривожланмоқда.

Диссертацияда туризмнинг барча соҳаларини ривожлантириш мамлакатнинг умумий иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва унинг дунёда нуфузини ошириш омили эканлиги фалсафий нуқтаи-назардан очиб берилган. Этномаданий туризм маданий-маърифий туризм йўналишларидан бири бўлиб, замонавий глобал дунёнинг кўплаб мамлакатларида алоҳида эътироф этилмоқда. Зеро, этномаданий туризм маданий алмашув, бошқа мамлакатлар халқлари маданияти ҳақида маълумот беради, бунинг ёрдамида ҳар бир киши турли этник гуруҳларнинг урф-одатлари ва маданияти билан танишиши мумкин.

Маданий туризм соҳасида изланишлар олиб борган И.В.Зорин, Т.П.Каверина, В.А.Квартальновларнинг «этномаданий туризм–кичик халқлар ҳаётини ўрганишга қаратилган саёҳатлар»¹ ва А.Г.Бутузовнинг «этномаданий туризм–бу этник маданий муҳит ҳодисаларининг хилма-хиллигини англаш истаги билан шартланган туристик фаолиятнинг турли шакллариининг комбинацияси»²дир, деган қарашлари қиёсий таҳлил этилган ва этномаданий туризмнинг асоси миллат ёки элатнинг моддий мероси ва маънавий қадриятлари эканлиги таҳлил қилинган.

Зеро, моддий меросда халқнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданияти акс этса, маънавий мерос янги ва азалий қадриятларнинг узвийлигини таъминловчи ижтимоий ҳаётни мазмунли ташкил этади. Шу боис, «этник туризм» ва «этномаданий туризм» бир-бири билан тақозоланган деб таъкидланган. Этномаданий туризм кишиларга маълум бир ҳаётий тажрибалар орттиришга ёрдам беради. Инсон онгли мавжудот сифатида ноодатий вазиятдан, ранг-баранг вазиятлар тўқнашувидан, ҳали ўзлаштирилмаган жойларга, этнографик бойлиги тўла анланмаган юртларга саёҳатларидан маълум бир тажриба орттиради. Бу ҳаётий тажриба унинг дунёқарашини бойитади, унга элатлар, халқларни қиёслаш имконини беради.

Диссертацияда этномаданий туризмнинг гносеологик, интеграцион, этнологик, экспедиция, экономизм, рекреацион, экстремал, эмпиризм каби функциялари таснифланган, ватандошлар туризми, носталгик туризм каби кўринишларининг аҳамияти очиқ берилган. Агар ватандошлик туризми қон-қардошликни сақлашга, она тилини ривожлантириш, ўзларининг миллий қадриятларини тиклашда намоён бўлса, носталгик туризм туғилган жойига саёҳат қилишни кўзда тутаяди. Этномаданий туризмнинг моҳияти, ижтимоий борлиқдаги ўрни унинг ижтимоий функцияларида намоён бўлади. Айнан ижтимоий функцияларда объектнинг ўзига хос имманент белгилари, нима учун ва ким учун мавжудлигини, бошқа объектлар билан тизимли муносабатлари кўринади.

Ўзбекистон халқининг этник-маданий хилма-хиллиги туризмнинг бебаҳо манбаидир. Шу боис, турли миллат ва элатлар маданиятини сақлашга қаратилган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари ва дастурлари ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Этномаданий туризм халқ ҳаёти, анъанавий меъморчилик намуналари, уй-рўзғор буюмлари мавжуд бўлган очиқ осмон остидаги «жонли» музейлар, ўзига хос фольклори билан танишиш имконини беради. Худудда этнографик мерос элементлари қанча кўп бўлса, унинг туризм учун жозибдорлиги даражаси шунчалик юқори бўлади. Урф-одатлар ҳар бир этник гуруҳ учун хулқ-атвор қоидалари, индивидуал маданиятдир. Бу инсон онгида миллат тарихининг буюклигини, адабиётлар, санъат, илм-фан ва ҳоказолар ҳақидаги ғояларини бирлаштирувчи тизимдир. Этник урф-одатлар барча халқлар ва

¹ Зорин И.В., Каверина Т.П., Квартальнов В.А. Менеджмент туризма. Туризм как вид деятельности. М.: Финансы и статистика, 2005. – 143с.

² Бутузов А.Г. Этнокультурный туризм. – М.: КНОРУС, 2013. – С. 82.

кабилаларга хос бўлиб, қишлоқларда, овулларда, шаҳарларда ҳаёт тарзини ёрқин акс эттиради. Турли хил маросимлар ва урф-одатлар (туғилиш, тўй, дафн маросими, экин экиш, йиғим-терим ва бошқалар) халқлар ҳаётида доимо алоҳида ўрин тутиб келган. Этник анъаналар туфайли биз диний байрамлар, оилавий қадриятлар ҳақида маълумотга эга бўламиз. Демак, этномаданий туризм сайёҳларни йирик транспорт магистралларидан узоқда жойлашган қишлоқ ва овуллар билан таништириш, махсус тайёрланган фольклор гуруҳларининг дастурлари (концертлари) билан танишиш, сайёҳларнинг турли миллат ва элатлар ҳунармандчилиги ишларида иштирок этиш, диний анъаналари, уларнинг дунёқараши билан танишиш, турли миллатлар томонидан яратилган миллий либослардан фойдаланиш, халқ ҳунармандчилиги асосидаги турли хил маҳсулотларнинг кенг жамланмаси билан танишиш имконини берувчи маиший ҳаёт тарзидир.

Шунингдек, ушбу бобда этномаданий туризмнинг миллий ўз-ўзини англаш феномени сифатидаги аҳамияти очиб берилган. Халқ, миллат тарихини ўрганиш, этномаданий бойликлар ва қадриятларни ўрганиш, илмий кузатувлар ва изланишлар ўтказиш, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш, дунёни кезиш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларда ўз ифодасини топади. Мамлакатда иқтисодий барқарорлик омили сифатида туристик маҳсулотнинг таннархи ва истеъмолчи нархларини белгилаш, меҳнат унумдорлигини оширишни вужудга келтиради. Демак, этномаданий туризм бир томондан иқтисодий, иккинчи томондан маданий ўсиш сифатида миллий ўз-ўзини англашдир. Этномаданий туризмнинг маданий менталитетни сақлаш механизми сифатидаги аҳамияти, этномаданий туризмнинг ижтимоий моҳияти унинг ривожланиш босқичлари турли даврларда яратилган адабиётлар асосида очиб берилган. Туризм баъзи давлатларда миллий даромаднинг асосий қисмини ташкил этади ва давлатларнинг халқаро мавқеини оширади, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ва хориж инвестицияларини жалб этишига ёрдам беради.

Демак, туризм бугун халқаро алоқаларни кенгайтириш, ижтимоий иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва кишиларнинг этномаданий борлиқни англаш, билиш ва ҳордиқ чиқариш каби эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маданий хизмат соҳасидир.

Диссертациянинг иккинчи боби «Этномаданий саёҳат комплекси: иқтисодий фалсафий ва институционал асослари» деб номланиб, унда этномаданий туризм макони, эҳтиёж, талаб ва хизмат турлари ва халқаро тажрибалар орқали этномаданий туризмнинг моделлари фалсафий нуқтаи-назардан очиб берилади.

Инсон фаолияти ва қизиқишлари маълум бир тартибда, қонуниятларга мувофиқ шаклланади ва рўйбга чиқади. Кишида туризмга бўлган қизиқишнинг пайдо бўлиши, бу маънавий эҳтиёжнинг қонуний талабларга айланиши ва уларнинг туризм билан шуғулланувчи институтлар томонидан маълум бир маданий хизматларни уюштириш тарзида қондирилиши ҳам қонуниятларга мувофиқдир шакллантирилади. Аслида туристда саёҳатга бўлган маънавий

эхтиёжнинг, қизиқишнинг шаклланиши, унинг ҳуқуқий талабларга айланиши ва туризм билан шуғулланувчи институтлар уюштирадиган хизмат турлари этномаданий туризм комплексини ташкил этади. Бу ўринда сайёҳнинг маънавий эҳтиёжи, қизиқиши, унинг маданий гуманитар ҳуқуқи (сайёҳнинг маданий хизматларга бўлган ҳуқуқининг шартнома тарзида расмийлаштирилиши) ва турфирма хизматлари уйғун тизимни ташкил этади. Улар ўртасидаги диалектик боғлиқлик, уйғунлик этномаданий туризм комплекси самарали ишлашининг кафолатидир. Шунинг учун этномаданий комплекс хусусиятларни англаш мазкур тизимни таҳлил қилишдан бошланади. Бу эса комплексга тизимли функционал ёндашишни, бу ёндашишга ёрдам берувчи иқтисодий-фалсафий ва институционал (амалий-ташкилий) таҳлилни тақозо этади.

Этномаданий туризмдаги ўзига хослик, этнографик фактлар ва миллийлик хорижий сайёҳларни ўзига жалб этувчи омиллар ҳисобланади. Бу омиллар маданий хизмат кўрсатиш объектлари меҳмонхоналар, кемпинглар, турар жойлар, овқатланиш масканлари, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш ўчоқлари, транспорт коммуникация хизматлари, ландшафтлар, хиёбонлар, кутиш ва учрашув залларини ҳам ана шу ўзига хослик талабларига мувофиқ ташкил этилишини вужудга келтиради. Этномаданий туризм комплекси сайёҳларининг талаблари ва турфирманинг имкониятларига мувофиқ шаклланади. Бу талаблар ва имкониятларни уйғунлаштириш алоҳида ёндашувни, кенг маънода олиб қараганда талаблар ва имкониятлар уйғунлиги фалсафасини тақозо этади.

Ўзбекистонда этномаданий туризм мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, туристик анъаналар ва минтақа тарихини ўрганиш, аҳолининг полиэтник табиатини аниқлаш, этномаданий объектларни асрашда муҳим аҳамият касб этади. Этномаданий туризм ўз тараққиётида миллий маданиятнинг тикланиши ва ривожланишининг омилидир. Зеро, этномаданий туризм тарихий ва маданий меросни сақлаш келажак авлодларга етказиш ғоясига ҳам асосланади. Музейлар этномаданий туризмни ривожлантириш омилларидан биридир. Этномаданий музейларда аҳолининг айрим этник гуруҳлари маданияти, ижтимоий тузилиши, эътиқоди, урф-одатлари, анъанавий санъати ёритилади, ҳозирги даврда дунёда очик осмон остидаги шаҳар музейлар алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертацияда этномаданий туризмнинг хорижий тажрибаси таҳлил этилган ва унинг Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришдаги роли очиб берилган. Франция, Туркия, Хитой, Миср каби мамлакатларда этномаданий туризмни ривожлантиришда маданий мерос билан бир қаторда табиий муҳит шароитларидан фойдаланиш табиатни асраш имкони сифатида амал қилади. Туркияга саёҳат дастури зиёрат ва экотуризмни ривожлантиришда намоён бўлса, Шимолий Америка Аборигенлар ҳаёти, Оттавада кўчманчи Европаликларнинг ҳаётини ўзида ифода этувчи этномаданий қишлоқлар, Африка этномаданий туризм комплекси тарихий-маданий ва этнографик фактларга бойлиги билан, Ҳиндистонга саёҳат бетакрор тарихий-маданий

обидалар, ибодатхоналар, саройларга эътибор берилса, Австралияда қайикда саёҳат, маҳаллий аҳоли яшаш жойларида доимий этник урф-одатлар намойиши ташкил этилиши этнографик туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Булар табиий туризм ресурслардир.

Маданий-тарихий сайёҳлик ресурслари эса, тарихий ривожланиш жараёнида яратилган ва замонавий шароитда муайян бир ҳудудда яратилган ва интеллектуал эҳтиёжларни қондириш учун ишлатилиши мумкин бўлган тарихий хусусиятлар, ҳодисалардир. Тарихий ривожланиш жараёнида ҳар бир халқ саёҳатчилар учун (маҳаллий ва хорижий) ўзига хос маънавий-маданий қадриятлар тизимини (маданий мерос) шакллантирган. Маданий ва тарихий объектлар маданият ёдгорликларидир. Археологик ёдгорликларга эски шаҳар қолдиқлари, қадимги қабристонлар, қалъалар, қадимий турар-жойлар, истехкомлар, тарихий саноат корхоналари, каналлар, тошдан ясалган ҳайкаллар, қадимий буюмлар, тошларга ишланган расмлар, шунингдек қадимий аҳоли яшаш жойларининг тарихий ва маданий қатлам ҳудудлари киради. Хужжатли ёдгорликлар, ёзма ва график хужжатлар, статистик материаллар, кўлёмалар, матбуот, фотофильм хужжатлари ва овоз ёзувлари, архивлар, фолклор ва мусиқа ёзувлари ва бошқалардан иборат.

Этномаданий туризм янги маданий тажрибани шакллантиришга мўлжал олади. Шу боисдан, этномаданий туризм–бу сайёҳатчиларнинг миллат тарихини ўрганиш, турли этномаданий ҳодисалар билан танишиш истаги билан шартланган туристик фаолиятнинг турли шаклларининг комбинациясидир.

Диссертацияда табиий ва маданий мерос–этномаданий туризмнинг муҳим ресурси эканлиги очиқ берилган. Этномаданий туризм табиий-маданий меросни ўзлаштиришнинг янги маданий шаклидир. Маданий мерос маданиятнинг тарихий ресурси сифатида ўтмишда қадр топган ва келажакда сақланиб қолиши кутилаётган нарса сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Ўзбекистонда этномаданий туризм йўналишини оммалаштиришда асосий этнотуризм минтақаларини аниқлаш, этник гуруҳларнинг ихчам яшаш жойларини жиҳозлаш, этномаданий объектлар жойлашган ҳудудлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Этномаданий туризм табиий ва маданий мероснинг бирлигини намоён этувчи нафақат моддий, балки ахлоқий ва эстетик қадриятдир.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда этномаданий туризмни ривожлантириш стратегияси: муаммо ва ечимлар»** деб номланган учинчи бобида Янгиланаётган Ўзбекистонда этномаданий туризмни ривожлантиришнинг зарурати ва аҳамияти, тарихий-маданий туризм объектларини асраш ва малакали кадрлар тайёрлаш тажрибалари хусусида мулоҳаза юритилган ва қатор амалий тавсиялар илгари сурилган.

Ўзбекистонда этномаданий туризм ёки унинг айрим кичик турлари сайёҳлик саноатининг ўзига хос белгисига айланган, бу ишбилармонларнинг тадбиркорлик фаолиятида ўз ифодасини топади. Шу боис, Ўзбекистонда этномаданий туризмни ривожлантиришнинг зарурияти миллий ёки макро

минтақавий миқёсида аҳолининг юқори даражадаги этник хилма-хиллиги, узоқ муддатли миллатлараро интеграция, этник гуруҳларнинг ҳудудий бирлашуви, урбанизациянинг этник гуруҳларнинг анъанавий маданиятига зарарли таъсири, ички ва ташқи сайёҳлик бозорларида сайёҳларнинг туристик имтиёзларнинг тақчиллиги билан изоҳлаган. Хусусан, этник-маданий ресурслардан унумли фойдаланиш туристик турни муваффақиятли ривожлантириш омили ҳисобланади. Интернет-ресурслар билан таъминлаш сифатини яхшилаш туризмни ривожлантиришга хизмат қилади.

